



Биринчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг Шарк дунёсида миллий озодлик ва мустақиллик учун курашлар авж олди. Маълумки, Туркия (Усманийлар салтанати) Германия томонидан уруш ҳаракатларига кириб, Учлар иттифоқи енгилганидан сўнг ўз миллий бирлигини йўқотиш хавфи остида қолди. Хатто мамлакат пойтахти Истамбулни Англия эгаллаб олди. 1918 йил охиридан Туркиядаги озодлик курашига туркий халқларнинг буюк фарзанди Мустафо Камол Пошо бошчилик қилиб, 1920-1923 йилларда у тузган «Анкара муваққат ҳукумати» мустамлакачиларни (асосан Англия ва Италия харбий кучлари) она-Ватан тупроғидан ҳайдаб чиқарди.

Туркияда сиёсий воқеалар кескин кечаётган бир даврда БХСР (1920-1924) ўзининг фаол ички ва ташқи сиёсатини юритаётган эди. Бухоро Республикасининг истикболли режасида хорижий мамлакатлар билан дўстона дипломатик, иқтисодий, маданий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Аввало, асрий-анъанавий алоқаларда бўлган Туркия билан ҳамкорлик муносабатларига киришилди. Умуман XX аср бошларида Туркия «ёш турклар» билан Бухоро жаҳидлари ўртасида дўстона, маърифий-маданий алоқалар ўрнатилганди. Бухоролик жаҳидлар Туркияда нашр қилинган «Сиратул мустикам» («Тўғри йўл») журналининг ўқиб борган. Ундаги мақолаларда кўтарилган масалалар омма орасида кенг тарғиб қилинган. Буюк адиб Садриддин Айний (1878-1954 йиллар) ушбу журнални ўқиб «парламент» атамасининг моҳиятини англагани ҳақида фикр билдирганди. Узок вақт Европа мамлакатлари ва Туркияда яшаган асли бухоролик кейинчалик сибирлик ўзбек бўлиб қолган Абдурашид Абдурахим жаҳидчилик ҳаракатида биринчи марта миллий, маданий, сиёсий мустақиллик масаласини кун тартибига қўйганди.

Бухоро жаҳидларидан Абдурауф Фитрат, Абдулвоҳид Мунзим, Ҳамидхўжа Меҳри, У. Пўлатхўжаевлар 1908-1910 йилларда Туркияга таҳсил олиш учун боришган эди. 1910 йилда Туркияда А. Фитратнинг (1886-1938 йиллар) «Сайха» шеърий тўплами, «Мунозара» ва «Хинд сайёҳи» каби фалсафий асарлари ёзилганди. «Мухтасари тарихи ислом» («Исломининг қисқача тарихи») китоби ҳам ушбу мамлакатда дунё юзини кўрганди. А.Фитрат асарларининг асосий гоёси-Туркистон ҳозир турғунликда, Оврўпага эргашиб иқтисодий ислохотлар ўтказиши керак, ундан намуна олиши керак. «Туркистонликлар биринчи жаҳон уруши йиллари арафасида ва уруш даврида Туркияга қардошлиқ ёрдамни кўрсатиш мақсадида маблағ ҳам тўпланганлар.. 1913 йил 13 апрелда 28000 сўм миқдорида Туркия учун «Хайрия» тўпланади»-деб ёзилади манбалардан бирида.

Янги тарихий вазиятда, хақиқатдан ҳам БХСР ташкил топган 1920 йилда Туркия сиёсий ҳаётида истиклол учун кураш авж олганди. Туркий халқларнинг асл ватани бўлган Туркистонда Туркиядаги тарихий жараёнларни эътибор билан кузатиб бориш, туркларни имкон қадар маънавий-моддий жihatдан қўллаб-қувватлаш йўлини танланиши табиий ҳол эди. Юқорида қайд қилинганидек, биринчи жаҳон урушидан мағлуб бўлиб чиққан Туркия 1920 йил 10 августда Париж яқинидаги Севр шаҳарчасида Антанта давлатлари билан имзоланган шартномага кўра, амалда ярим мустамлакага айлантирилди. Франция ва Англия ўртасида тақсимланган Усмонийлар салтанати факатгина Кичик Осиё ярим ороли ҳамда Истамбул билан чекланишга мажбур бўлди. Истамбул инглиз истилочилари томонидан эгалланиб, прогрессив кучлар Анкарада Мустафо Камол раислигида «Янги Анкара муваққат ҳукумати»ни тузиб озодлик ва мустақиллик учун кураш майдонига қирадилар. Антанта давлатлари, айниқса, Англиянинг қўллаб-қувватлаши билан юнонлар «Буюк Греция» давлатини тузиш байроғи остида турклар шахри Измирни истило қилдилар.

Ҳаёт – мамот жангига қирган «Анкара ҳукумати» ва унинг йулбошчиси Мустафо Камол ҳақида «Бухоро ахбори»: «1921 йил 16 июлда турклар Мустафо Камол пошо бошчилигида бутун фронт бўйича юнонларга қарши қатъий ва умумий ҳаракатлар бошлагонлар. Шу л вақтда турклар душмоннинг 3-4 баробар кўп бўлгон кучларига қарши қатъият билан курашиб, улар ҳужумини тўхтатурлар. Яшасин ўзларининг қахрамонлик ва гайратлари орқасинда Европа таҳликасига (Юнонистон ва Англияга) қарши туриб гарб майдонида умумий галаба қозониб, ўз ватанларини муқоффа қилгон турк аскарлари!» деб ёзганди.

Туркия ва юнон урушлари икки йил (1920-1922) давом этиб, 1922 йил 9 сентябрь Муддания жангида турклар хал қилувчи галабага эришди ва Измрдан юнонларни ҳайдаб чиқарди. «Анкара ҳукумати» қўшинлари Мустафо Камол пошо раҳбарлигида турк шаҳарлари ҳисобланган Бурса, Ардахон, Игдир, Эскишаҳарларни ҳам эгалладилар. Туркларнинг адолатли урушдаги муваффақияти ҳақида: «Нихоят турклар ўз озодликлари йўлида ҳаракат қилиб, зарба бердилар. Ўзларининг озодлиги учун бутун ислом дунёси Англия ва унинг мамлакатлари билан муқаддас урушга қиришдилар. Турклар озодлик байроғини баланд кўтариб, ўз истиклолларини қўлга қиритмишлар» - деб ёзилади маълумотлардан бирида.

«Анкара ҳукумати»нинг озодлик учун кураши Бухорода муҳим диққат марказда бўлган. Туркия ҳукумати 1921 йил 16 мартда РСФСР билан дипломатик ва ҳамкорлик шартномасини имзолайди. Совет ҳукуматининг мутассадилари В. И. Ленин, Чичерин, Қараханлардан Мустафо Камол пошонинг Москвадаги вакили Беқир Самибей молиявий ёрдам сўрайди. Совет даври тарихий адабиётларида 1920 йил сентябрдан 1922 йил май ойига қадар Совет ҳукумати учун оғир ва машаққатли йиллар бўлиб, Мустафо Камол ҳукуматига БХСР ҳукуматида аввал молия нозири, кейин эса Марказий Ижроия Қўмита Раиси лавозимида ишлаган Усмонхўжа Пўлатхўжаев (1878-1986 йиллар) шахсий жамгармасидан 100 млн. олтин маблағ билан моддий ёрдам кўрсатган. Ушбу маблағнинг асосий қисми Москвада сақлаб қолиниб, 10|1 улушигина Онатўли (Туркияга) юборилган. Турк тарихчи олимлардан Мехмет Сарой 1990 йилда Истамбулда чоп эттирган «Отатуркнинг совет сиёсати» номли китобида: «Советларнинг Туркияга ёрдами тўлиқ бўлмасида, аммо ўша пайтда миллий озодлик ҳаракати галабасида муҳим роль ўйнаган»-деб ёзади. Усмонхўжа Пўлатхўжаев муҳожирликка қетганидан сўнг 1922-1923 йилларда Мустафо Камол пошо билан мулоқотда бўлган. Туркиянинг бўлажак

президенти унга ўз ҳукумати органларида ишлашни таклиф этган.

У. Пўлатхўжаев унга Туркистон тарихи, маданияти кўлэзма асарларини тадқиқ қилиш масалалари билан шугулланишини айтган. Шундан кейин Туркия ҳукумати томонидан ватандошимизга Мустафо Камол бўйруги билан умрининг охиригача катта микдорда нафақа тайинланади. У. Пўлатхўжаев вафотидан кейин бу нафақа турмуш ўртоғига бериб турилган.

Бухоро халқи турк-юнон уруши майдонида турклар кўли баланд келганлиги муносабатила шодлик ва хурсандчилик билан 1922 йил 12 октябрда митинг ва намойишлар ўтказган. Уларда давлат раҳбарлари, ислом пешволари, оддий меҳнаткаш аҳоли, мактаб ўқувчилари ва мадраса талабалари иштирок қилишган. Турк шахидларининг руҳига хатми Куръон қилиниб, мотамона қуйлар қалинган. Бу тадбирларда БХСР Халқ Нозирлар Шўроси муваккат раиси Ато Хўжа, БХСР Марказий Ижроия Кўмитаси раисининг биринчи муовини Аминов, маориф нозири Кори Йўлдош Пўлатов, хатто, Россиянинг Бухородаги вакили Фонштейн ҳам нутқ сўзлаган. Ўша куни кечга яқин митингда иштирок қилганлар. Бухоро халқидан Туркия ҳукумати номига табрик телеграммаси тайёрлаб юборишади. Телеграммадан: «Душмонни тор-мор қилиб буюқ майдон мухорабадаги Туркиянинг матлубини халқ этиб, ушбу порлоқ тарихий галабангизни, уч миллион нуфузидан бўлгон ва икки йилдан буён сизни жаҳонгир сармоядорларни енгишингизни тилогон Бухоро халқи номидан самимийликдан табрик этадур, олқишларла ушбу шодлигингизга шерик бўламиз. Сизнинг галабангиз муносабати билан бутун Бухоро аҳолиси ва инқилобий шўролар ҳукумати 12 октябрда ўзининг маъмурлари, зиёлилари, талабалари билан буюқ бир митинг тартибила ўтказди. Аҳолимизнинг руҳли шодлиги максоди ила Бухоронинг «Масжиди Калони»да хатми Куръон ўқилиб, шахидларнинг руҳига ҳадя этди.

БХШЖ туркларнинг порлоқ натижаларини, Истамбул ҳукумати катъиятингизни бутун хаяжон ва интизор этмакдадур.

Яшасин туркларнинг галабаси!

Каҳр ўлсун, мағлуб ўлсун, гарбнинг сарватдор жаҳонгирлари!» каби сатрларни ўқиймиз. Икки ҳукумат ўртасидаги дипломатик алоқалар эса анча олдинроқ, 1920 йилнинг кишидаёқ бошланган эди. Бу йўналишда ташаббус «Анкара муваккат ҳукумати» томонидан бошланиб, 1920 йил БХСР ҳукумати ташкил топганидан 4 ой ўтар-ўтмас М. Камолнинг ҳукумати БХСРга биринчи бўлиб ўзининг элчиларини юборади. Бухорода биринчи бўлиб хорижий мамлакатлардан Туркия элчихонаси иш бошлайди. Мустафо Камол юборган Туркия элчилари гуруҳига Голиб пошо бошчилик қилган. Анкара ҳукуматининг Бухоро Республикасидаги элчихонаси биринчи котиби, таникли турк ёзувчиси Рушен Ашраф бўлганди

1922 йилнинг март ойида Бухоро Республикасидан Мустафо Камол пошо ҳукуматини расмий суратда таниш ва ўзаро муносабатлар ўрнатиш учун Маҳмуд Назар ҳамда Маҳмуд Ражаб афандилар бошчилигида бухоролик вакиллар Анкарага ташриф буюришади.

Бухоро хайъатини расмий суратда «Муваккат Анкара ҳукумати» ташки ишлар вазирининг муовини Зиёдбек ҳамда хорижий ишлар вакили Юсуф Камолбеклар кутиб оладилар. Турк тарихчиси Меҳмет Саройнинг маълумотича, Маҳмуд Назар ҳамда Маҳмуд Ражаблар бир пайтлар Истамбулда таҳсил олишган. Меҳмет Саройнинг ёзишича, улар элчилик вазифасини уддалаб, ортга қайтганларида рус айгокчилари (большевиклар) томонидан хоинона ўлдирилганлар.

БХСРнинг фавкулотда сиёсий вакиллари шарафига зиёфат уюштирилиб, унда Мустафо

Камол пошо ҳам шахсан иштирок этган. «Бухоро ахбори» газетасида Туркия ҳукумати бошлиғи Мустафо Камол ҳамда Бухоро вакили Махмуд Назар афанди нутқлари тўла холда келтирилган. Мустафо Камол нутқида: «Диндош ва кондош Бухоро халқининг орзусини юзага чиқариши учун бу қардош миллатга ўзимнинг фотиҳамни бераман» , -деган фикри баён қилинган.

Бухоро хайъати вакиллари Мустафо Камол пошога ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида юртимиздан олиб борилган олтин дастали қилич, Амир Темур замонида кўчирилган Қуръони Каримнинг нодир нусхаларидан бирини, ҳамда Туркия халқ аскарлари учун Бухоро тасвири туширилган нишонлар тақдим этади.

Ҳозир ушбу буюмлар Туркия Буюк миллат мажлиси (парламенти) биносидаги музейнинг асори-атикалари қаторидан жой олган.

Туркияда озодлик йўлида турк зобит ва аскарларигина эмас, хотин-қизлар, болалар ҳам қаҳрамонона кураш олиб бораётганлиги, истиклол олий неъмат эканлиги Бухоро халқи томонидан чуқур идрок қилинган. Мухими шуки, ўз мустақиллиги йўлида кураш олиб бораётган Бухоро Республикаси ҳарбий ва моддий жиҳатдан Туркияга ёрдам беролмасам ҳам, унинг озодлигини бутун вужуди билан қўллаб-қувватлаётганлиги аниқ эди.

Туркияга олиб борилган совғалар орасида юқорида қайд қилинган, шахсан Мустафо Камол пошога аталган олтин дастали қилич билан бирга бир сира кўрк (бухороча сарупо) ва яна икки қиличнинг топширилиши юқоридаги фикримиз тўғрилигини тўла исботлайди. Мустафо Камолга ва унинг шонли гозий (голиб) армиясига аталган қиличлар жасоратга чорлаб, порлок галабага қадар руҳан тетик бўлишга даъват қилиши ўз-ўзидан аён эди.

Икки қиличдан бири қаҳрамон Исмаил пошога ҳадя этилган. Юнонлар истило қилган Измирни озод қилишда алоҳида жасорат кўрсатган ва шаҳарга душман мудофасини биринчи бўлиб ёриб қирган отлик кўшин зобити Шерифбейга Бухородан юборилган учинчи қилич насиб этади. Уни Мустафо Камолнинг ўзи Шерифбей белига тақиб қўйган . Мустафо Камол ушбу совғаларни Бухоро вакиллари билан қабул қилиб олар экан, аждодлари юрти Туркистонга эътиқоди юксаклигини ўз нутқида ошқор этиб миннатдорчилик туйғуларини баён қилади. Эҳтимолки, ўша оғир дамларда беш миллионли бухороликларнинг маънавий қўллаб-қувватлаши Мустафо Камолни Туркия озодлиги курашидаги қатъиятига бир қадар мадад бергандир. Зероки, у аждодлар юрти Туркистонга, яъни илдизга умид кўзлари билан қараган. Чунки илдиз кўкартувчи, яшнатувчи ва юксакликка элтувчи, илхом берувчи омилдир. Бежиз бу улуг инсон «биз ҳам Туркистоннинг жужукларимиз (болаларимиз)» демагандир.

«Бухоро ахбори» газетаси «Шарк дунёси» рукни остида Туркиянинг истиклол йўлидаги галабаларидан илхомланганлиги билан боғлиқ бўлган мақолалар эълон қилади.

Мақолалардан бирида: «Европа жаҳонгирларининг ҳаракатига маҳкум этилганлиги учун Эрон, Афғонистон, Усмонли(Туркия), Арабистон, Туркистон, Бухоро, Хоразм ва ислом ўлкалари бир-бирлари билан ҳамсоя бўлгонлари холда мустақил бир иттиҳод (иттифок) вужудга келтириб, ўзларининг истиклолиятларини муҳофаза қилиб биладурлар. Агарда бу ҳукуматлар орасида иттифок вужудга келса, ул вақтда фақат ислом оламнинг эмас, балки бутун Шарк миллатининг Ғарбий Европа занжири асоратидан халос бўлиши муқаррар» , -қабил сатрларни ўқиймиз.

Туркиянинг Англия сингари қудратли давлатларга қарши Ватан мустақиллиги ва ҳимояси учун кураши газетада жасорат баробар баҳоланиб, унга маънавий ва моддий ёрдам беришга даъват қилувчи талайгина мақолалар бор. 1921-1922 йилларда Бухоро ҳукумати камолчилар инқилоби галабаси учун ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам

берганлиги билан боглик маълумотлар мавжуд.

Мухожир ўзбеклар билан шахсий мулоқотлардан Истамбул инглизлар кўлига ўтган бир даврда (1920 йил) юртдошларимиз Анкарага, яъни Мустафо Камол ҳукумати ва ҳарбий қисмлари учун бу шаҳар орқали яширин равишда моддий ва ҳарбий мадад сифатида озик-овқат ва қурол-яроғ юбориб, Туркия истиклолига муносиб ҳисса кўшганликлари ҳам бизга маълум.

«Бухоро ахбори»да «Инкилобий Туркияга ёрдам керак» мақоласи босилиб: «Биз Туркияни озодлик йўлида кураш майдонига кириб, 200-300 кишилик аскарый фиркаларда кўмондонлик қилган турк хотинларини ҳам муҳорабада кўрдик... Туркия халқининг биздан бошқа дўстлари ва хайрихоҳлари йўқдур, Туркияга ёрдам кўрсатмак ва шунинг билан турк халқига руҳ бермак бизнинг қарзимиздур» , деб ёзилади.

Газетада Туркия миллий мустақиллигини тўла таъминлаш йўлида ҳар қандай қурбонлар беришга тайёр эканлиги, халқаро анжуманларда ўз иззат-нафсини ҳимоя қилаётганлиги билан боглик фикр-мулоҳазаларга бой мақолалар эълон қилинган. Туркиянинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти билан боглик хабарларга салмоқли ўрин ажратилган.

Жумладан, «Шарқ дунёсида Туркия: Миллат Мажлисига қимлар сайланди?», «Туркия-Польша шартномаси», «Туркияда Албания хайъати», «Туркияда янги Америка ширкати», «Туркияда Миллий Мажлис очилди», «Туркия ҳукуматининг Шимолий Америка Жумҳуриятига мурожаати», «Туркия-Арманистон муносабатлари», «Истамбул бўшатиқди», «Туркияга мутахассисларни жалб қилиш», «Туркия урушга қарор берган» , каби ўнлаб хабар ва мақолалар мавжуд.

«Бухоро ахбори»да Туркия Республикасининг биринчи президенти, қамолчилар инкилобининг ташкилотчиси ва раҳбари, йирик давлат арбоби, ХХ аср буюқ шахслари қаторидан муносиб ўрин олган Мустафо Камол пошо (1881-1938, 1923-1938) шахсияти ҳамда фаолиятига боглик бир қатор мақолалар чоп этилган. Хатто «Озод Бухоро» газетасининг 11(224)-сонида Мустафо Камолнинг қиёфаси акс этирилган. Газета билан танишар эканмиз, «Инкилобий турк аскарларининг бошлиги қаҳрамон - Камол пошо», «Мустафо Камол-Миллат Мажлиси раиси», «Мустафо Камол пошо- Жумҳурайис», «Мустафо Камол пошо ва совет раҳбарлари» , каби йирик мақолаларда бу шахснинг ҳаёт йўли, сиёсий фаолияти, ҳарбий кўмондонлик маҳорати, Туркистонга муносабати атрафлича баён қилинади. Бу эса Туркиядаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг Бухоро Республикаси матбуоти орқали батафсил ёритилиши билан боглик.

«Хозирда,- дейилади газетада,- Қамол пошо турк халқи тарафидан эътироф этилган бошлиқ ва Туркия халқининг қимматли раҳбаридур... Шуни ҳам айтмоқ керакдурким, асрлар бўйича бир-бирига қатта душмон бўлиб яшагон Русия ва Туркия муносабатлари хозирда Қамол пошо сиёсати соясинда ижобийдур» .

Бу ўринда Россия ва Туркиянинг XVII-XIX асрларда ўзаро душманлик қайфиятидаги муносабатларидаги асрий қарама-қаршилиқлар, ҳудудий можароларни бартараф қила олган, ўз мамлақати манфаати йўлида рақиб билан ҳам тил топиша оладиган дипломат, давлат арбоби сифатида Мустафо Қамолга юқори баҳо берилганлигини идрок қилиш қийин эмас.

Газета мақолаларидан бирида: «Мустафо Қамол пошо насл жихатидан бир майда хунарамднинг боласи бўлиб, ёши 52 теграсиндадур (атрофидадир)» ,деб ёзилган маълумотни ўқиймиз. Аслида бу ҳақиқатдан йироқроқ бўлиб, Мустафо Қамол 1881 йил 10 ноябрда Юнонистоннинг Салоника шаҳрида таваллуд топган. Отаси Али Ризо Афанди ўрмон маҳсулотлари савдоси билан шугулланган, кейинчалик божхона

чиновниги лавозимида ишлаган. Онаси Зубайдахоним Файзуллох Ока кизи ҳам бадавлат оиланинг фарзанди бўлган. Мустафо Камолнинг асл исми Мустафо бўлиб, Камол деган номни ўта қобилиятли бўлганлиги учун унга 14 ёшида мактабдаги математика ўқитувчиси берган. Демак, Мустафо Камол биринчидан, хунарманд оиласида дунёга келган эмас, иккинчидан эса, газетада таъкидланганидек, 1922 йилда 52 ёшда эмас, балки 41 ёшда бўлган. Холбуки, Мустафо Камол Отатурк вафот этганида, яъни 1938 йилда 57 ёшида бўлган.

Мустафо Камол Отатурк жасур ва бошлаган ишини охирига етказадиган шахс эди. У Туркия истиклолини ярим йўлда қолишини истамаган, харбийларга хос қатъиятли киши бўлганлиги ҳам манбаларда қайта-қайта таъкидланади. «Биз ортик қурбонлар бера олмаймиз, имтиёзли музокараларнинг давом этиши бизнинг миллий шаънимизга нуксон келтирадур. Туркия асоратга қараганда урушни ортик қўрадур ҳамда шуни давом эттирмоқ учун Туркия сўнгги қонига қадар урушга қарор қилди», деб ёзилади «Мустафо Камолнинг баёоти»да. Бу ўринда тоқим Лозанна конференцияси (Швейцария, 1923 йил 24 июл)га қадар Туркия мустақиллигини тўла тан олмаслик учун ҳаракат қилаётган Англия, Франция вакилларига ватанпарвар раҳбарнинг муносиб жавобининг гувоҳи бўламиз.

Тарих гувоҳлигича, фақатгина Лозанна конференциясида Антанта давлатлари Туркиянинг мустақиллигини тан олиб, нотенг шартномаларни бекор қилишга мажбур бўлишган эди.

Туркиянинг муносиб йўлбошчиси ва давлат раҳбари Мустафо Камол Отатурк шахсияти «Бухоро ахбори»да фаолият олиб борган ижодкор мухбирларнинг ҳам диққатини тортган. Газетанинг 1922 йил 19 октябридаги 103-сонида Мустафо Камол пошони олқишлаб «Минглар яша!» газали босилган. Мазкур газалнинг муаллифи Х.Олмош бўлиб, унинг газалидан:

«Эй, фидойи Камол пошо

Раҳбарисан мазлумларнинг

Нажотқори шарқиларнинг

Аскарингла минглар яша-минглар яша!» каби сатрларни ўқиймиз.

«Бухоро ахбори» газетаси Туркия ва Бухоро ҳамкорлик, қардошлиқ алоқалари XX аср 20-йилларида ривожланганлиги, янги поғонага қўтарилганлиги ҳақида маълумот берувчи қимматли манбалардан биридир. У ҳақиқатдан ҳам «Шарқ дунёси ва Бухоро Республикаси» тарихий тадқиқот муаммосини келажакда ҳал қилиш манбаларидан бири бўла олади. Камол пошо шахсияти масаласига келсак, айни унинг ҳаётлигида туркий халқлар орасидаги ҳурмат-эҳтироми қандай бўлса, ҳозирда ҳам ундан баланддир. Мустафо Камол бошчилигида турк халқи галабага эришди. Шарқ дунёсида биринчи бўлиб Туркияда республика тартиби ўрнатилди. Камолчилар таълимоти ўзини оқлади ва ҳақиқат суратда 1934 йилдан эътиборан турк халқи ўз йўлбошчисига Отатурк (Турқлар отаси) унвонини берди.

XX аср буюқ шахслари қаторидан Мустафо Камол номи мустаҳкам ўрин олди. Мустафо Камол Отатурк билан Бухоро Республикаси вакиллари учрашган тарихий санадан ҳам юз йилликнинг 4-чораги ўтиб бормоқда. Туркия халқи Отатурк номини абадийлаштириш учун унинг жасади қўйилган пойтахт Анкарада этнография музейини ташкил қилишган.

Музейда Мустафо Камол Отатурк ҳаёт йўли ва фаолияти билан боғлиқ юзлаб асори-атикалар, буюмлар, китоб ва нашрлар, харбий қийим, қурол-яроғ қабилар қўйилган. Улар орасида бухороликлар томонидан Туркия раҳбарига ҳадя қилинган

нишонлар ва буюмлар ҳам бор. Бу эса халқларимиз ўртасидаги синовдан ўтган мустахкам кавм-қариндошлик, олтин сингари зангламас дўстона алоқаларнинг умрбоқийлигидан далолатдир.

Республикамиз истиклолга эришган дастлабки кунларда Мустафо Камол васиятига содик бўлган камолчиликнинг 6-босқичида ривожланиш йўлидан кетаётган Туркия ва унинг марҳум президенти Тургут Озал юртимиз келажагига ишонч билан қаради ва бизни 1991 йил 16 декабрда расмий жихатдан биринчи бўлиб тан олган давлат ҳам Туркия Республикаси бўлди.

Туркия Республикаси шаклланмаган, «Анкара ҳукумати» мавжуд бўлган йилларда бу юрт мустақил бўлишига ишонч билан қараган Бухоро ҳукумати кўрсатган қатъият ва ишончни салкам бир асрача вақт ўтганидан сўнг Туркия ҳам Ўзбекистон келажаги олдида масъуллигини англаши табиий эди.

Ҳозирда халқаро муносабатлар зиддиятли, мураккаблиқларга тўла, ҳуллас, қандай бўлишидан қатъий назар Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, мавқеи ва салоҳиятига эга бўлган мамлакатдир.

Турклар йўлбошчиси ва раҳнамоси шахси билан боғлиқ масалага баҳо берганда эса президентимиз И.Қаримовнинг «Мустафо Камол Отатурк нафакат қардош турк халқининг, балки барча туркий халқларнинг буюқ фарзанди ва ифтихоридир», -деган фикрлари айна ҳақиқатдир.